

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 593-ҳадис

593 – عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُنْتُ تَهَيِّئُكُمْ عَنْ

زِيَارَةِ الْقُبُورِ فَزُورُوهَا» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [977].

593. Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мен сизларни қабрларни зиёрат этишдан қайтарган эдим. Энди уларни зиёрат қилаверинглар», деб айтдилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Исомнинг илк даврларида қабрларни зиёрат қилишни тақиқлаган эдилар. Чунки унда баъзи жоҳилия даврининг одатлари сақланиб қолган бўлиб, айрим қабилалар мақтаниш ва ғурурланиш учун ўликларининг қаҳрамонликларини санаб, бақир-чақир қилар, ошкора йиғи-сиғига зўр берар эдилар. Ислом одоб ва ахлоқи инсонлар қалбига ўрнашгач, қабрлар зиёратига изн берилди.

Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

“Сизни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Батаҳқиқ, Муҳаммадга онасини зиёрат қилишга изн бўлди. Бас, у(қабр)ларни зиёрат қилинг. Албатта, улар охиратни эслатади”, дедилар” (Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган. Лафз Термизийники).

Бу ҳадисдан маълум бўладики, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам нафақат изн бердилар, балки бу ишга амр қилдилар, тарғиб этдилар.

Уламолар эркакларнинг қабрларни зиёрат қилишлари мумкинлиги борасида барчалари иттифоқ бўлишган. Лекин аёлларнинг зиёратини эса жумҳур уламолар макруҳ санашган.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни лаънатласин”, дедилар” (Термизий ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда аёл кишиларнинг қабрлар зиёратига бориши яхши эмаслиги қаттиқ таъкидланмоқда.

Жумхур “уламолар: “Ҳадисда айтилган лаънат қабрлар зиёратига бориб, дод солиб йиғлаган, сабрсизлик қилган ва ношаръий хатти-ҳаракатлар қилган аёлларга хосдир”, дейдилар”.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса макруҳ эмас, дейишган ва бунга юқорида биринчи келтирилган ҳадисни далил қилиб келтирадилар.

Алхойрур-Ромлий: “Агар бунда бу зиёрат ўзларини хафагарчилик, доимгидек йиғи-сиғиларини, бақир-чақирларини янгилаш учун бўлса, жоиз эмас. Агар йиғламасдан, қариндош-уруғчилик муҳаббати эътиборидан, солиҳ кишиларнинг қабрлари зиёрати билан ибратланиш мақсадида борса, ёши ўтган бўлса, зарари йўқ, бўйи етган қиз бўлса, макруҳ бўлади”, деб, икки ҳадисни мувофиқлаштирган.

Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу гўзал мувофиқлаштириш”, деб эътироф этган .

Аҳмад Иззуддин ал-Байянуний ўзининг “Таҳорат ва намоз ҳукмлари” китобининг “Қабрларни зиёрат этиш ва уларнинг ҳаққига дуо қилиш” боби, 147-саҳифасида қуйидагиларни ёзади:

“Қабрларни зиёрат қилиш эркаклар учун жоиз бўлганидек, агар фитна хавфи бўлмаса, охиратни эслаб, ўлимдан ибрат олиш учун аёллар ҳам зиёратга борсалар, жоиз. Агар зиёрат сафар масофасида бўлса, унда албатта, маҳрам бўлиши шарт”.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва бошқа пайғамбарларнинг қабрларини зиёрат қилиш эса бундан мустасно.

Аёллар ўзлари юраётган йўлларида бирор қабр учратсалар, унинг эгасининг ҳаққига дуо қилишлари мумкин.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI